

Жума аҳли - жаннат аҳли



11:05 / 09.11.2018 2477

Абу Саъид Худрий розияллоху анхудан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг: “Ким бир кунда беш амални қилишга эришса, жаннат аҳлидан бўлади. Касални зиёрат қилса, жаноза намозида иштирок этса, рўза тутса, жумага борса, қул озод қилса”, - деганларини эшитдим”.

Ибн Ҳиббон ривоят қилган.

Қул озод қилишдан мақсад - қулдан қуллик тамғасини олиб ташлаб, уни Аллоҳнинг розилиги учун ҳурга айлантириш. Ким мусулмонни маънавий хорликдан чиқарса, бошига тушган мусибатини аритса, қийинчилигини кетказса, солиҳ амалларни бажаришда унга ёрдам берса, иншааллоҳ, қул озод қилганнинг савобига эришади.

Усмон ибн Аффон розияллоху анху Иломга кирганларидан бошлаб, умрларининг охирига қадар ҳар жума куни Аллоҳ таолонинг розилиги учун бир қул озод қилардилар. У зот бу ишни ўзларига вазифа қилиб олган эдилар. Агар озод қилиш учун қул топа олмасалар, кейин топиб бўлса ҳам, озод қилар эдилар.

“Жума ҳақидаги оят ва ҳадислар” китобидан